

## **"Когон пахта тозалаш" акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига !**

“Когон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йилли умумий йиғилиши 2023 йил 29 июнь куни соат 11-00да жамиятнинг маъмурий биносида бўлиб ўтиши ва кун тартиби тўғрисида эълон чоп этилган.

Президент фармониغا биноан 2023 йил 28 июнда «Қурбон хайити» байрам муносабати билан кетма-кет 5 кун дам олиш куни бўлганлиги сабабли, жамият Кузату кенгашининг жорий йил 27 июндаги йиғилиш қарорига асосан акциядорларнинг йилли умумий йиғилиши **2023 йил 11 июль соат 11-00 да** ўтказилиши белгиланди.

Йиғилиш ўтказилиши 20 кундан ортиқ бўлмаган муддатда қолдирилганлиги сабабли йиғилиш кун тартиби ўзгартиришсиз қолдирилиб, акциядорлар реестри қайта шакллантирилмаган. Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

Манзил: Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Пахтакор кўчаси 1-уй.

Акциядорлар, йиғилиш қатнашчилари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт)ни тақдим этишлари шарт.

Йиғилиш ҳужжатлари билан Кузатув кенгашида танишиш мумкин.

**Кузатув кенгаши.**